# УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 452 Болаларни тарбиялашни такомиллаштиришга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Болаларни тарбиялашни такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар комплексини амалга оширишни давом эттириш, ушбу йўналишда давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимият органларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Болаларни тарбиялашни такомиллаштиришга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда Қўшимча чора-тадбирлар режаси деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин, режада қуйидагилар назарда тутилади:

болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, камол топаётган ёш авлоднинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг ёритиш;

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

болаларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ва вояга етказиш сифатини ошириш;

оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, болаларни тарбиялаш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш;

ижтимоий ночор болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;

болалар ўртасида қонун бузилишларининг олдини олиш ва одил судлов соҳасида бола манфаатларини таъминлаш.

2. Қўшимча чора-тадбирлар режасининг бажарилишини ташкил этиш 2-иловага* мувофиқ Идоралараро комиссияга юклансин.

3. Қўшимча чора-тадбирлар режасини амалга ошириш бўйича Идоралараро комиссия (А.Н. Арипов):

республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида мазкур Қўшимча чора-тадбирлар режаси бўлимлари ва бандларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишига доир ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Қўшимча чора-тадбирлар режасига

---

* 2-илова берилмайди.



www.lex.uz

киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

икки ҳафта муддатда манфаатдор вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳудудий ва тармоқ ишлар режалари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

ҳар чорак якуни бўйича Қўшимча чора-тадбирлар режаси тадбирларининг бажарилиши тўғрисида тизимли таҳлилни амалга оширсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, ҳокимларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари бошчилик қиладиган Қўшимча чора-тадбирлар режасини амалга ошириш бўйича ҳудудий гуруҳлар ҳамда вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ўринбосарлари бошчилик қиладиган тармоқ гуруҳларини ташкил этсинлар, уларга Қўшимча чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз амалга оширилишини юкласинлар.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситаларига Қўшимча чора-тадбирлар режаси тадбирларининг амалга оширилишини мунтазам равишда ёритиб боришни ташкил қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг Қўшимча чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги муайян ҳиссаси ва иштироки тўғрисида аҳолини хабардор қилиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 14 октябрь,
280-сон



www.lex.uz

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 14 октябрдаги 280-сон қарорига
1-ИЛОВА

# Болаларни тарбиялашни такомиллаштиришга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар
# РЕЖАСИ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Болаларнинг фаровонлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, камол топаётган авлоднинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг ёритиш** | | | | | | |
| 1. | Қуйидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари амалга оширилишининг ҳолатини таҳлил қилиш:<br>«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»;<br>«Йод тақчиллиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»;<br>«Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»;<br>«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» ва бошқалар. | 2011 — 2013 йиллар, тадбирларнинг алоҳида ишлаб чиқилган режаларига мувофиқ | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бош прокуратура, «Ўздонмаҳсулот» АК, «Маҳалла», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Камолот» ЁИҲ, Экологик ҳаракат | 50,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Болалар фаровонлигини таъминлашга, шу жумладан қуйидагилар бўйича тадбирларни ташкил этишга йўналтирилган чора-тадбирларни яхшилаш бўйича улар асосида тегишли ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқиладиган таҳлилий материаллар:<br>турли муассасаларда болаларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини тушунтириш;<br>микронутриент етишмаслиги билан боғлиқ турли касалликлар профилактикаси;<br>вояга етмаганлар ва алоҳида эътиборни талаб этадиган оилалар билан якка тартибда профилактик ишлар олиб бориш;<br>вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш. |
| 2. | «Васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида таклифлар тайёрлаш. | 2012 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош прокуратура | — | — | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Етим болалар ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини такомиллаштириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Болалар фаровонлигини таъминлашга тааллуқли Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга эҳтиёж масаласини ўрганишни давом эттириш, зарурият бўлганда, уларни белгиланган тартибда киритиш. | 2011 — 2013 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Фонд Форум, «Камолот» ЁИҲ, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, нодавлат нотижорат ташкилотлар | — | — | Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни янада ривожлантириш. |
| 4. | Қуйидагилар:<br>етим болаларни ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни турар жой билан таъминлаш тўғрисида;<br>таълим муассасаларида ўқувчиларнинг сифатли овқатланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш тўғрисида тасдиқланган низомлар доирасида чора-тадбирлар амалга оширилишини мунтазам таҳлил қилишни ташкил этиш. | 2011 — 2013 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | — | — | Масалалар учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари, минтақалар ҳокимликларининг қарорлари.<br>Муассасаларнинг битирувчилари ва васийликка олинган етим болалар, шунингдек таъминот, тарбиялаш ва таълим беришнинг алоҳида шароитларига муҳтож бўлган болалар учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш.<br>Масалалар учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари, минтақалар ҳокимликларининг қарорлари.<br>Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, транспортда ташиш ва таълим муассасаларида сотишга талабларни белгилаш.<br>Соғлиқ учун зарарли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликлар кенг тарқалишининг ўз вақтида олдини олиш.<br>Таълим муассасалари ўқувчиларида сифатли овқатланиш кўникмаларини шакллантириш. |



www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Тегишли мутахассислар, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, журналистлар, шунингдек болалар ўртасида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2011 — 2013 йиллар, алоҳида режа бўйича | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бош прокуратура, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Камолот» ЁИҲ, ЎзА, МТРК | 14,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Машғулотлар ўтказиш жадвали.<br>Бола ҳуқуқлари масалалари бўйича мутахассисларнинг билимлари даражасини ошириш. |
| 6. | «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги мослаштирилган болалар версиясини тайёрлаш ва нашр этиш (10 минг нусха). | 2011 йил | Оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси, нодавлат нотижорат ташкилотлар | 15 минг доллар | Ҳомийлар маблағлари | Камол топаётган авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ошириш. |
| 7. | Республика таълим муассасаларида мактаб ўқувчилари ўртасида бола ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларини энг яхши билиш бўйича танловлар, олимпиадалар ва викториналар ўтказиш. | III-IV чораклар 2011 — 2013 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Камолот» ЁИҲ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 13,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари.<br>Тадбирларни ўтказиш жадваллари.<br>Камол топаётган авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ошириш. |
| 8. | Давлат болалар муассасаларида бола ҳуқуқларига риоя этиш бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш. | 2011 — 2013 йиллар | Омбудсман, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | — | Вазирликлар, идораларнинг функционал вазифалари доирасида | Тавсиялар билан бирга таҳлилий материаллар.<br>Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш. |
| 9. | Болаларнинг аҳволини, шу жумладан қуйидаги масалаларни:<br>болалар касалланиши даражасини;<br>болаларни эмлашни;<br>болалар ногиронлигини;<br>болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар фаолиятини;<br>таълим муассасалари, шу жумладан ақлий ёки жисмоний ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар учун таълим муассасалари фаолиятини; | 2011 йил | Манфаатдор вазирликлар ва идоралар | — | Давлат статистика ишлари дастури доирасида | Статистик тўпламлар ва бюллетенлар.<br>Болалар фаровонлиги бўйича ишлар устуворликларини аниқлаш учун тўлиқ статистик ахборот билан таъминлаш.<br>Болаларнинг аҳволи мониторинги учун зарур бўлган статистик ахборот. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ота-оналар қаровисиз қолган болалар ва ўсмирларни аниқлаш ва жойлаштиришни;<br>етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар учун таълим муассасалари фаолиятини;<br>вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тавсифлайдиган давлат статистика ҳисоботи ва идоравий ҳисобот шаклларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | | | | | |
| 10. | Етакчи олимлар ва экспертлар иштирокида болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасида иш йўналишларини янада такомиллаштириш масалалари бўйича халқаро анжуманлар ташкил этиш ва ўтказиш. | Ҳар йили, ноябрь | «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 100,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Тадбирлар ўтказиш дастури.<br>Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза соҳасида ишларни янада такомиллаштириш учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш. |
| 11. | Ўзбекистон Республикасида болалар фаровонлигини таъминлаш саъй-ҳаракатлари режасининг мақсадлари, вазифалари ва йўналишларини, уни амалга оширишнинг боришини:<br>шаҳарлар ва туманларда таълим муассасаларида, яшаш жойларида, маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб бориш;<br>телевидение ва радиода махсус кўрсатув ва эшиттиришлар ҳамда рукнлар, мамлакат болалари ва ёшлари ҳаётини ёритадиган оммавий ахборот воситаларида мавзули мақолалар туркумини ташкил этиш воситасида кенг ёритиш. | 2011 — 2013 йиллар | МТРК, Матбуот ва ахборот агентлиги, ЎзА, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Инсон ҳуқуқлари маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла» жамғармалари, «Келажак овози» ЁТМ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 100,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Қўшма тадбирлар режаси.<br>Саъй-ҳаракатлардаги турли жиҳатлар бўйича оммавий ахборот воситаларида материаллар туркумини эълон қилиш, шунингдек мунтазам ўтказиладиган семинарлар, конференциялар.<br>Оммавий ахборот воситаларида болалар ва ёшлар ҳаётини ёритиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **II. Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш** | | | | | | |
| 12. | Аёлларни таркибида шу жумладан фолий кислотаси бўлган махсус поливитаминлар комплекслари билан таъминлаш дастурлари доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2011 — 2013 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, МТРК | 24000,0 | Давлат бюджети маблағлари | Республиканинг қишлоқ туманларида яшовчи ҳомиладор аёлларни таркибида фолий кислотаси бор бўлган махсус поливитамин комплекслари билан таъминлаш.<br>Ҳомиладор аёлларни соғломлаштириш, ривожланишида туғма нуқсонлар бўлган болалар туғилишининг олдини олиш ва баркамол авлодни вояга етказиш. |
| 13. | «Соғлом она — соғлом бола» йўналиши бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш:<br>фертил ёшидаги аёлларни ва 14 ёшгача бўлган қизларни 100% қамраб олган ҳолда чуқурлаштирилган комплекс тиббий кўрикларни ташкил этиш, кейинчалик, зарурият бўлганда, соғлиқни сақлаш муассасаларида соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш;<br>барча минтақаларда қизлар учун соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича маслаҳатлар беришни ташкил этиш. | 2011-2012 йиллар — алоҳида жадвал бўйича | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари,<br>Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги,<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Аёллар кенгаши» РЖТ, МТРК,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 10000,0<br><br>5622,0 минг долларга тенг миқдорда<br><br>3,0<br><br>193,2 | Давлат бюджети, ҳомийлар маблағлари ва мурувват ёрдами бўйича етказиб беришлар | Мақсадли гуруҳларни қамраб олиш мониторинги, оналар ва камолга етаётган авлод соғлигининг ҳолати бўйича комплекс чора-тадбирлар.<br>Аҳолининг репродуктив соғлигини яхшилаш, ирсий ва туғма касалликлар, оналар орасидаги касалликлар профилактикаси.<br>Соғлом оила барпо этиш масалаларида ёшларнинг саводхонлиги ва масъулиятини, соғлом турмуш тарзининг нуфузини шакллантириш мақсадида тиббий маданиятни ошириш. |
| 14. | Аёллар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2011 — 2013 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фонд Форум, Кўкрак бези саратони уюшмаси, «Аёллар кенгаши» РЖБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 50,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Аёллар соғлигини яхшилаш, улар ўртасида онкологик касалликларни камайтириш бўйича профилактик чораларни ташкил этиш. |
| 15. | Қуйидаги лойиҳалар доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш:<br>Германия Федератив Республикаси Ҳукуматининг молиявий кўмаги доирасида «Репродуктив саломатлик, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш»; | 2011 — 2013 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Маҳалла», | 117,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Оқилона овқатланиш, анемия ва гигиена соҳасида тиббий билимларни ошириш, шунингдек ҳомиладор ва фертил ёшидаги аёлларнинг туғишга тайёргарлик кўриш ва бир ёшгача болаларни парвариш қилиш масалаларидан хабардорлигини ошириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | «Бола тирик туғилиши мезонларини жорий этиш»;<br>«5 ёшгача болаларнинг ўсиши ва ривожланиши мониторинги»;<br>«Бехатар оналик»;<br>«Кўкракдан эмизиш»;<br>«Саломатлик-3». | | «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, «Саломатлик» институти, нодавлат нотижорат ташкилотлар | | | Аёллар соғлиғини яхшилаш, замонавий усулларни қўллаш ҳисобига исталмаган ҳомиладорликни ва касалликларни камайтириш, шунингдек болалар клиникаларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, тиббиёт ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш йўли билан ташхис қўйиш ва даволаш. |
| 16. | Эмлашнинг миллий тақвимига мувофиқ болаларни бошқариладиган инфекцияларга (қизамиқ, полиомиелит, дифтерия, қоқшол, кўкйўтал, В гепатити, сил) қарши 100% эмлашни таъминлаш. | 2011 — 2013 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | 14100,0 | Давлат бюджети маблағлари | Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ эмлаш жадваллари.<br>Болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш. |
| 17. | Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТС ва гиёҳвандлик тарқалиши профилактикаси, шунингдек ОИВ инфекциясининг онадан болага вертикал трансмиссиясининг олдини олиш бўйича дастурларни амалга ошириш. | 2011 — 2013 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 50,0 | ЮНИСЕФ, ОИВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича Глобал жамғарма маблағлари | Тасдиқланган лойиҳалар.<br>Соғлом авлод, соғлом турмуш тарзи шакллантирилишини таъминлаш. |
| 18. | ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш бўйича ўқувчи ёшлар билан иш олиб бориш юзасидан ўқитувчиларнинг билим даражасини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни ташкил этиш. | 2011 — 2013 йиллар | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | — | Вазирликлар, идораларнинг функционал вазифалари доирасида | ОИВ/ОИТС тарқалиши масалалари бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш. |
| 19. | Қуйидагиларга:<br>аҳолининг мақсадли гуруҳлари орасида озиқ-овқат маҳсулотларини фортификациялаш, тузни йодлаштириш, темир, фолий кислотаси ва А витамини саплементацияси бўйича амалдаги дастурлар амалга оширилишини кенгайтиришга;<br>оилаларда овқатланиш маданиятини тарғиб этиш бўйича ахборот-таълим ишларини амалга оширишга йўналтирилган аҳолининг овқатланиши сифатини яхшилаш дастурларини амалга оширишни давом эттириш. | 2011-2012 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АК, Туз ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, МТРК, | 796,8<br><br>600,0 минг доллар | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари<br><br>ЮНИСЕФ | Дастурни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси.<br>Микронутриентлар етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва даражасини пасайтириш.<br>Оилаларда оқилона овқатланиш маданияти ва кўникмасини шакллантириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 20. | Қуйидагилар:<br>соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари бўйича ўсмир ёшдаги болалар;<br>туғишга тайёрлаш ва бир ёшгача болани парвариш қилиш масалалари бўйича ҳомиладор ва ёш оналар;<br>репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш ва соғлом оилани шакллантириш муаммолари бўйича ёшлар ва ёш оилалар;<br>тўғри овқатланиш, таркибида турли консервантлар ва синтетик қўшимчалар бор бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг камолга етаётган авлод соғлиғига салбий таъсири тўғрисида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш. | 2011 — 2013 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик» институти, «Аёллар кенгаши» РЖБ, «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла» жамғармалари, Экологик ҳаракат, нодавлат нотижорат ташкилотлар | 600,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Республика таълим муассасалари ва маҳаллаларда семинар-тренинглар ўтказиш йўли билан хабардорликни ошириш ҳамда кундалик ҳаётда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳақидаги билимлар, уқувлар ва кўникмаларни қўллаш.<br>Оилаларда тиббий маданиятни шакллантириш ва ошириш. |
| 21. | Республиканинг вилоят болалар кўп ихтисосли тиббиёт марказларини юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. | 2011-2012 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 27000,0 минг доллар | Германия Ҳукумати, KFW банки | Вилоят болалар кўп ихтисосли тиббиёт марказлари томонидан бепул малакали тиббий ёрдам беришни ташкил этиш учун уларни диагностика ва тиббиёт ускуналари билан техник жиҳозлаш. |
| 22. | Даволашнинг замонавий усулларига ва касалликлар профилактикасига мувофиқ тиббиёт кадрларини — акушер-гинекологларни ўқитиш. | 2011 — 2013 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлар | 300,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Даволаш ва соғломлаштиришнинг замонавий методикасини эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш. |
| 23. | Соғлом турмуш тарзи, экология ва соғлом оилани шакллантириш мавзуларида буклетлар, қўлланмалар, плакатлар, стендлар шаклида ахборот-таълим материалларини ишлаб чиқиш ва нашр этиш. | 2011 — 2013 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик» институти, Экологик ҳаракат, нодавлат нотижорат ташкилотлар | 300,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ахборот-таълим материаллари.<br>Соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ва соғлом оила масалалари бўйича камолга етаётган авлоднинг хабардорлигини ошириш. |
| 24. | «Болалар ва саломатлик» социологик сўровини ўтказиш. | 2011 йил | «Ижтимоий фикр» маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 19,0 | Бажарувчилар маблағлари | Таҳлилий маълумотнома.<br>Болалар соғлиғини яхшилаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. |
| 25. | Қуйидаги:<br>«Энг соғлом оила»;<br>«Соф экология — соғлом авлод гарови» кўрик-танловларини ташкил этиш. | 2011 йил | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Экологик ҳаракат, нодавлат нотижорат ташкилотлар | 5,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Танловлар ўтказиш жадваллари.<br>Камолга етаётган авлоднинг соғлом турмуш тарзи юритишдан манфаатдорлигини ва унга интилишини ошириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 26. | Ёз даврида:<br>камида 260 минг болани республиканинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида;<br>1000 оналарни болалар билан бирга касаба уюшмалари тизими санаторийларида ҳар йили соғломлаштириш. | Ҳар йили, июнь — август ойлари | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хўжалик органлари | 60000,0 | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ҳокимликлар маблағлари | Болаларни соғломлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисининг қарори.<br>Камолга етаётган авлоднинг мазмунли дам олишини ташкил этиш. |
| **III. Болаларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ва камолга етказиш сифатини ошириш** | | | | | | |
| 27. | 2009 — 2014 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини янада яхшилаш Давлат дастури доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш (республика бўйича ҳаммаси — 278, шу жумладан: янги қурилиш — 136, мукаммал реконструкция — 142). | 2011 — 2013 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | 330694,1 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Болаларнинг баркамол ўсиши учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 28. | Қуйидагиларни:<br>умумтаълим мактаблари;<br>академик лицейлар;<br>касб-ҳунар коллежлари қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашни ташкил этиш. | 2011 — 2013 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази | 655440,0 | Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари | Болаларнинг пухта билим олиши, ижодий ўсиши ва жисмоний камол топиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш. |
| 29. | Болалар спорти объектларини;<br>сузиш ҳавзаларини мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилишни ташкил этиш. | 2011 — 2013 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 143400,0 | Болалар спортини ривожлантириш маблағлари | Спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 30. | Республиканинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Ишлаб чиқиш — 2011 йил, амалга ошириш — 2012 — 2014 йилларда | «Даврахитектқурилиш» қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Дастур қайта ишланган-дан кейин аниқланади | Бажарувчилар, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, ҳомийлар маблағлари | Ёзги соғломлаштириш мавсумида болаларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш. |
| 31. | Болаларга кўрсатилаётган таълим, ижтимоий, психологик хизматлар сифатини таҳлил қилиш ва уларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш. | 2011 йил | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази | — | — | Хизматларнинг янгиланган стандартлари.<br>Болаларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 32. | Таълим сифати мониторинги механизми ва тизимларини яхшилаш, шу жумладан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ўқишга қатнаши мониторинги тизимини яхшилаш. | 2011 йил | Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази | — | — | Таълим сифати мониторингини ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш, ўқувчилар билимлари мониторингини ва баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш. |
| 33. | Илғор педагогик технологияларни ва шахсга йўналтирилган усулларни таълим тизимига интеграциялаш. | 2011-2012 йиллар | Халқ таълими вазирлиги | — | — | Илғор педагогик технологияларни ва АКТни жорий этиш воситасида ўқитувчилар малакасини ошириш, шунингдек тегишли ўқув дастурлари ва модуллар тайёрлаш. |
| 34. | Қуйидагиларни:<br>ҳар бир умумтаълим мактабини 41 номдаги электрон дарсликлар ва ўқув фильмлари, шунингдек тарих, маданият ва Ўзбекистоннинг замонавий ютуқлари бўйича электрон жисмлар, экология бўйича ўқув-методик ва намойиш қилинадиган қўлланмалар билан;<br>ҳар бир мактабгача муассасани ўйинли ва маърифий мультимедий дастурларни намойиш қилиш учун DVD — проигревателлар (6000 та) билан таъминлаш. | 2011 йил | Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 915,0 | Бюджет ва бажарувчилар маблағлари | Ўқитишнинг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини яхшилаш.<br>Экологик билимларни ўқитиш сифатини яхшилаш. |
| 35. | Қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш:<br>«Республиканинг умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»;<br>«Қишлоқ мактабларида умумий ўрта таълимни ривожлантириш»;<br>«Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш». | 2011-2012 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 3,36 млн доллар<br>0,46 млн доллар<br>12,8 млн доллар | ОТБ,<br>Корея Эксимбанки | Умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Таълим соҳасида ахборот-коммуникация тизимларини ривожлантириш. |
| 36. | «Болалар ва таълим», «Болалар ва экология», «Болалар ва спорт» мавзуларида социологик сўровлар ўтказиш, ушбу йўналишда ишни яхшилаш бўйича вазирликлар ва идоралар учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш. | 2011-2012 йиллар | «Ижтимоий фикр» маркази, Халқ таълими вазирлиги, Экологик ҳаракат, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | 12,0 | Бажарувчилар маблағлари | Тавсиялар билан бирга таҳлилий материаллар.<br>Таълим сифатини ошириш, болаларни спортга жалб этиш ва минтақаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, болаларнинг экологик маданиятини ошириш ишларини яхшилаш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 37. | Болаларни халқаро ҳимоя қилиш куни — 1 июнга бағишланган ойлик доирасида қуйидаги мавзуларда ахборот-маърифий кампаниялар ва маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш: «Ҳар бир болага ғамхўрлик қилайлик ва эътибор берайлик» (болалар ҳуқуқлари бўйича танловлар ва викториналар, концертлар, спорт мусобақалари, кўргазмалар, «Меҳрибонлик», «Мурувват» уйлари ва чақалоқлар уйларига бориш ва ҳоказолар). | Ҳар йили 1 — 30 июнь | Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Аёллар кенгаши» РЖБ, «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, МТРК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 50,0 | Бажарувчилар маблағлари | Ойлик ўтказишни ташкил этиш бўйича мажлис қарори.<br>Бажарувчиларнинг қўшма тадбирлари.<br>Республика болаларини уларнинг фаровонлигини таъминлаш бўйича тақдим этилаётган шарт-шароитлар билан таништириш. |
| 38. | Халқаро ногиронлар куни — 3 декабрга бағишлаб ногирон болалар учун маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш. | 2011 — 2013 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Камолот» ЁИҲ, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Ногиронлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти, Карлар жамияти | — | Вазирликлар, идораларнинг функционал вазифалари доирасида ва нодавлат нотижорат ташкилотлар | Бажарувчиларнинг қўшма тадбирлари.<br>Тадбирлар ўтказиш жадваллари.<br>Нутқида нуқсонлар бўлган болаларнинг фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 39. | «Ёшларни ғоявий таҳдидлар ва саёз «оммавий маданият»нинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишнинг илмий-методик масалалари тўғрисида»ги мавзуда семинарлар, ижодий кечалар, давра суҳбатлари, савол ва жавоб кечалари ҳамда илмий-амалий конференциялар ташкил этиш. | Май — октябрь ойлари, ҳар йили | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Республика Маънавият тарғибот маркази | 100,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма тадбирлари.<br>Тадбирлар ўтказиш жадваллари.<br>Камолга етаётган авлодни ахлоқий тарбиялаш. Соғлом турмуш тарзи, ёшларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, ҳалокатли таъсирлардан асраш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. |
| 40. | Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги Конвенцияни ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича дарҳол чоралар кўриш тўғрисидаги Конвенцияни бажариш бўйича Саъй-ҳаракатлар миллий режаси доирасида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2011-2012 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар | — | Вазирликлар, идораларнинг функционал вазифалари доирасида ва нодавлат нотижорат ташкилотлар | Вояга етмаганлар меҳнатининг қонун ҳужжатларида белгиланган нормалари ва шартларига риоя этиш учун амалий назоратни таъминлаш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 41. | Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган Болалар меҳнатига тегишли Конвенцияларини амалга ошириш бўйича минтақавий амалий семинарлар ўтказиш. | 2011 — 2012 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ, Омбудсман, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 14,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма тадбирлари.<br>Бажарувчиларни Конвенциялар қоидалари, шунингдек уларни амалга ошириш механизми билан таништириш. |
| 42. | Болалар Парламенти фаолиятини такомиллаштириш, таълим муассасаларида, маҳаллаларда болалар ўртасида ўтказиладиган тадбирларга ушбу Парламент аъзоларини фаол жалб этиш. | Доимо | Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси, «Камолот» ЁИҲ, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 2,0<br>ҳар йили<br>10,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма тадбирлари.<br>Болаларга жамият ҳаётида фаол иштирок этиш кўникмаларини сингдириш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш. |
| 43. | Болаларда китоб ўқишга қизиқишни шакллантириш бўйича тадбирлар, маданий-маърифий тадбирлар, тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бориш. | Доимо | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Камолот» ЁИҲ, «Келажак овози» ЁТМ | 10,0 | Бажарувчилар маблағлари | Кўрик-танловлар ўтказиш жадваллари.<br>Таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида китоб ўқиш йўли билан интеллектуал ижодкорлик кўникмаларини, мустақил билим олишни ривожлантириш. |
| 44. | Болалар ва ўсмирлар ўртасида қуйидаги кўрик-танловларни ташкил этиш ва ўтказиш:<br>«Йилнинг энг иқтидорли ёш ихтирочиси»;<br>«Китобсеварлар»;<br>Конституция кунига бағишланган «Энг яхши иншо»;<br>«Ихтирочи болалар кўргазмаси»;<br>«Ҳуқуқ билимдонлари»;<br>«Мафтункор бўёқлар олами». | 2011 — 2013 йиллар, алоҳида жадваллар бўйича | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ёзувчилар уюшмаси, «Келажак овози» ЁТМ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 20,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари.<br>Кўрик-танловларни ўтказиш жадваллари.<br>Болаларнинг бадиий адабиётни ўқишга қизиқишини ошириш, болаларнинг конструкторлик ва ихтирочилик кўникмаларини рағбатлантириш, ногирон болаларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга жалб этиш. |
| 45. | Ногирон болалар ўртасида «Параолимпиада» спорт мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш. | 2011 — 2013 йиллар | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва | 10,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Мусобақаларни ўтказиш протоколлари. Ногирон болаларда спорт билан шуғулланишга қизиқишни ва соғайишга, соғлом турмуш тарзига интилишни ошириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ахборот агентлиги, «Камолот» ЁИҲ, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Ногиронлар жамияти, Кўрлар жамияти, Кар-соқовлар жамияти | | | |
| 46. | Ўқувчиларнинг республика музейларига бориши бўйича тизимли ишларни ташкил этишга доир чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2011 — 2013 йиллар | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар | — | Вазирликлар, идораларнинг функционал вазифалари доирасида | Тадбирлар комплекси.<br>Музейларга бориш жадвали.<br>Болаларни миллий, жаҳон тарихий ва маданий мероси билан таништириш. |
| 47. | Театрларда, қўғирчоқ ва ёш томошабинлар театрларида халқимизнинг шонли тарихига ва мустақил Ўзбекистоннинг замонавий ютуқларига бағишланган спектакллардан иборат бўлган болалар репертуарларини яратиш ва уларга болаларнинг боришларини ташкил этиш. | 2011 — 2013 йиллар | «Ўзбектеатр» бирлашмаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | — | Вазирликлар, идораларнинг функционал вазифалари доирасида | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари.<br>Болаларни саҳна маданияти билан таништириш, уларни бадиий жиҳатдан юксак асарлар билан таништириш.<br>Болаларда эстетик дидни шакллантириш. |
| 48. | Қуйидагиларни ташкил этиш ва ўтказиш:<br>«Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали;<br>«Келажак овози» иқтидорли ёшлар танлови;<br>Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови;<br>«Болажонлар-ширинтойлар» болалар модалари фестивали. | 2011 — 2013 йиллар | Форум жамғармаси, «Келажак овози» ЁТМ, «Камолот» ЁИҲ, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Осиё рамзи» дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси | Ҳар йили:<br><br>300,0<br><br>300,0<br><br>50,0<br><br>10,0 | Фонд Форум, бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Болалар ва ёшларнинг таланти ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда унга кўмаклашиш, мамлакатимизнинг турли минтақаларидаги ёш иқтидорлар учун мусиқа, рақс, бадиий ва поэтик қобилиятларини ривожлантириш учун имкониятлар яратиш.<br>Болалар кийимлари яратувчилари ва ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш. |
| 49. | Мактабгача, кичик ва катта мактаб ёшидаги болалар учун қуйидагиларни тайёрлаш ва намойиш этишни назарда тутувчи махсус рукнлар ва телекўрсатувларни ташкил этиш:<br>кичик ёшдаги болалар учун кўнгилочар-ўрганиш дастурлари;<br>жисмоний маданият, соғломлаштириш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича кўрсатувлар; | 2011 — 2013 йиллар | Мустақил телерадиоканаллар ва минтақавий телерадиокомпаниялар, Экологик ҳаракат, нодавлат нотижорат ташкилотлар | — | Вазирликлар, идораларнинг функционал вазифалари доирасида | Ёш оилаларга маънавий ва жисмоний соғлом болаларни тарбиялашда кўмаклашиш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | болаларни Ўзбекистоннинг тарихий мероси, унинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси билан таништирадиган кўрсатувлар;<br>Фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари тўғрисида кўрсатувлар. | | | | | |
| 50. | Болалар спорти объектларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, теннис тўплари, бадиий ва спорт гимнастикаси учун спорт анжомлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш. | 2011-2012 йиллар | Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | — | Вазирликлар, идораларнинг функционал вазифалари доирасида | Спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 51. | Давлат ва халқаро стандартларга мувофиқ 139 та спорт объектлари ва сузиш ҳавзаларини спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш. | 2011 — 2013 йиллар | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси | 10200,0 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 52. | Болалар, айниқса ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган оилалардаги қизлар учун спорт формалари ва буюмлари сотиб олиш. | 2011 йил | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Спорт федерациялари, Касаба уюшмалари федерациялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 8900,0 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Кам таъминланган оилалардаги болаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 53. | «Форум Юниор спорт» ва «Чемпионлар Форуми» болалар спорт комплексларини ривожлантириш. | 2011-2012 йиллар | Фонд Форум, «Форум Юниор спорт» ва «Чемпионлар Форуми» Болалар спорт комплекслари | 50,0 ҳар йили | Фонд Форум ва ҳомийлар маблағлари | Соғлом ва маънавий камол топган авлодни шакллантириш, спортни оммалаштириш, Ўзбекистоннинг талантли спортчилари янги авлодини тарбиялаш, халқаро турнирлар ва мусобақаларда қатнашиш учун болаларни аниқ мақсадли тайёрлаш. |
| 54. | 3 босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларини ташкил этиш. | Низомга мувофиқ | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | — | Вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функционал вазифалари доирасида | Мусобақаларни ўтказиш протоколлари.<br>Болаларда спорт билан шуғулланишга қизиқишни, соғлом турмуш тарзига интилишни ошириш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилаш. |
| 55. | Қуйидаги спорт-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш:<br>«Футболимиз келажаги» турнири; | Ҳар йили, август-сентябрь | «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Фонд Форум, Болалар спортини ривожлантириш | 3,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Болаларнинг мазмунли ҳордиғини ташкил этиш.<br>Болалар ўртасида, айниқса мамла- |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | «BABY» бадиий гимнастика бўйича турнир;<br>таниқли спортчилар иштирокида мастер-класслар ўтказиш. | | жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 3,0<br><br>30,0 | | катнинг узоқ туманларида бадиий гимнастикани оммалаштириш, ёш гимнастикачилар ва гимнастларни янги спорт ютуқларига рағбатлантириш, уларнинг ижодий ва касбий ўсишида, халқаро мусобақаларда қатнашишида ва болалар иқтидорини ривожлантиришда кўмаклашишни давом эттириш. |
| 56. | Махсус мактаб-интернатларда ўқийдиган ногирон болалар ўртасида мусобақаларни тизимли асосда ўтказиш:<br>I босқич — ҳар қайси мактаб-интернатда;<br>II босқич — Тошкент шаҳрида финал ўйинларини ўтказиш. | Ҳар йили | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Паралимпия уюшмаси, «Камолот» ЁИҲ, МТРК, «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 130,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчи ташкилотларнинг комплекс тадбирлари.<br>Ногирон болаларни кенг қамраб олиш ва уларни спорт мусобақаларида қатнашишга жалб этиш.<br>Имкониятлари чекланган болаларнинг спорт маҳорати даражасини ошириш. |
| **IV. Оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, болаларни тарбиялаш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш** | | | | | | |
| 57. | 2011 йилда ва кейинги йилларда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги дастури доирасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш. | Ҳар йили | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | — | Ажратилган бюджет ва ҳомийлар маблағлари доирасида | Бандликни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш, маънавий ва жисмоний соғлом болаларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 58. | «Бир болага етти қўшни ота-она» шиори остида республика маҳаллаларидаги оилалар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш. | 2011 — 2013 йиллар | «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Оила» ИАМ, Халқ таълими вазирлиги | 3,0 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги қарори.<br>Ота-оналар ва маҳалланинг болалар тарбияси учун масъулиятини ошириш. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари алоқасини мустаҳкамлаш. |
| 59. | Кичик ёшдаги болаларни парваришлаш ва тарбиялаш, шунингдек ёшларнинг хавфли гуруҳлари билан ишлаш бўйича ёш оилалар учун қўлланмалар ишлаб чиқиш. | 2011 — 2013 йиллар | Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Оила» ИАМ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги | 3,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ёш ота-оналарнинг болаларни тўғри тарбиялаш ва парваришлаш масалалари бўйича билимларини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш. |
| 60. | Ёшлар ўртасида оилавий қадриятларни тарғиб қилиш бўйича қуйидаги тадбирларни ўтказиш: | 2011 — 2013 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт | 5,0<br>ҳар йили | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг ёшлар ўртасида оилавий қадриятларни тарғиб қилиш бўйича комплекс тадбирлари. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 5 йил, 10 йил ва 25 йил биргаликда яшаётган аҳил ва бахтли оилаларни тарғиб қилишга бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари;<br>«Сиз оилага масъулсиз», «Ёш оиланинг турмуш маданияти» мавзуларида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тўғрисида буклетлар, рисолалар, плакатлар, мақолалар ва ижтимоий роликлар тайёрлаш. | | ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Камолот» ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» РЖБ, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари | | | Учрашувлар ва давра суҳбатларини ўтказиш жадвали. |
| 61. | «Энг намунали оила» республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш. | Ҳар йили, III чорак | «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Аёллар кенгаши» РЖБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 30,0 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари.<br>Муносиб болаларни тарбиялаган намунали оилаларни тарғиб қилиш. |
| 62. | Етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни квартиралар ва оилавий ётоқхоналар билан таъминлаш. | Доимо | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси | 1500,0 | Маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Маҳаллий ҳокимликлар қарорлари.<br>«Меҳрибонлик», Болалар шаҳарчалари, «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари»да тарбияланганларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш. |
| 63. | Бюджет маблағлари ҳисобига қуйидаги тўловларни таъминлаш йўли билан ёш оилаларга ғамхўрликни янада кучайтириш:<br>ҳомиладорлик ва туққанлик, бола туғилиши бўйича нафақалар;<br>болаларни парваришлаш (2 ёшгача) бўйича нафақалар, (16 ва 18 ёшгача) болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам. | Доимо | Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари | 2011 йилда 1582 551,8 | Ажратилган бюджет маблағлари доирасида | Ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш. |
| 64. | Қуйидагилар билан бепул таъминлаш йўли билан оилаларга кўмаклашиш:<br>биринчи синф ўқувчиларини ўқувчи анжомлари тўплами билан; | Ҳар йили | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 35900,0 | Бюджет маблағлари | Ўқувчиларни аниқ манзилли ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | кам таъминланган оилалар ўқувчиларини қишки кийимлар тўплами билан таъминлаш. | | | | | |
| 65. | Ҳар бир туманда камида 5 та кам таъминланган ёш оилага тўй тантаналарини ўтказишда ва маиший шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш. | 2011 — 2013 йиллар | «Маҳалла» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Камолот» ЁИҲ | 500,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш. |
| 66. | Ҳар бир минтақада кам таъминланган оилалардаги 1 минг нафар йигит ва қизларни «Усто — шогирд» методи бўйича касбга ўқитишни ташкил этиш. | 2011 — 2013 йиллар | «Маҳалла» жамғармаси, «Усто» бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бадиий академия, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 30,0 | Бажарувчилар маблағлари | Ўқитиш жадвали. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш. |
| 67. | Кам таъминланган оилалар болалари учун республиканинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига бепул саёҳатлар ташкил этиш. | Ҳар йили, ўқувчиларнинг таътил кунларида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, Оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси | 423,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари. Ёшларда ўз Ватани билан фахрланиш, унинг тарихий ва маданий ёдгорликларини ҳурматлаш туйғусини шакллантириш. |
| 68. | Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида оилани мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш дастурини амалга ошириш. | 2011 — 2015 йиллар | «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 100,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ноаҳил оилалар болаларининг фаровонлигини ошириш, ижтимоий етимлик хавфини камайтириш, оилаларнинг салоҳиятини ошириш ва оилавий муносабатларини мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ижтимоий ишларни йўлга қўйиш. |
| 69. | Республика минтақаларидаги оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш хизматлари фаолиятини ривожлантириш. | 2011-2012 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 250,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ижтимоий ночор оилалар ва болаларни сифатли, аниқ манзилли қўллаб-қувватлайдиган профессионал хизматни ташкил этиш. |



www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **V. Ижтимоий ночор болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш** | | | | | | |
| 70. | Республикада инклюзив таълим Концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2012 йил | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | — | — | Концепция лойиҳаси.<br>Таълим олиш имкониятлари чекланган болалар ҳуқуқларини таъминлаш. |
| 71. | Республика таълим тизимига жорий этиш учун таълим йўналишидаги «ижтимоий педагогика ва ижтимоий ишлар» давлат стандарти ва ўқув режасини ишлаб чиқиш. | 2012 йил | Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Тошкент давлат педагогика университети | — | — | Ижтимоий ишлар бўйича мутахассислар сифатини яхшилаш. |
| 72. | Институционал муассасалар тарбияланувчиларини оила даврасида реинтеграциялаш чора-тадбирларини амалга ошириш. | 2011 йил | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | — | — | Қариндошлик алоқаларини тиклаш бўйича дастурларни институционал муассасаларда жорий этиш.<br>Институционал тарбияланувчиларини биологик оилаларга реинтеграциялаш, фарзандликка олувчи оилаларга бериш механизмларини ишлаб чиқиш. |
| 73. | Фарғона, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази филиалларини ташкил этиш. | 2011 — 2014 йиллар | Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | Харажатлар тадбирларни амалга ошириш давомида аниқлаштирилади | Хорижий ва мамлакатимиз ҳомийларининг грант маблағлари | Оилада боланинг мавжуд шахсий, ижодий ресурсларини тўлиқ намоён қилишига ёрдам берадиган қулай микромуҳитни шакллантиришга кўмаклашиш.<br>Ночор болалар гуруҳларига комплекс психологик, ижтимоий-педагогик, юридик, методик ва ахборот-таълим ёрдами кўрсатиш. |
| 74. | Хоразм вилоятида «SOS — оилаларни мустаҳкамлаш» дастурини амалга ошириш, шу жумладан — оилаларга ижтимоий, психологик, юридик ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш, етим болаларга васийлик қилишнинг муқобил шаклларини ривожлантириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишларни ташкил этиш, танлаб олинган иккита мактабда ва иккита болалар боғча- | 2011 — 2013 йиллар | «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги | 652 767 евро | «SOS — Киндердорф Интернешнл» халқаро ташкилоти маблағлари | Етим болаларни ва ижтимоий ночор оилалар болаларини қўллаб-қувватлаш, етим болалар ва ижтимоий ночор гуруҳлар болалари фаровонлигини ошириш, васийликнинг муқобил шаклларидаги етим болаларга васийлик қилиш сифатини яхшилаш, ижтимоий етимлик хавфини камайтириш, маҳаллаларда ижтимоий ишларни ташкил этиш, таълим сифатини яхшилашга кўмаклашиш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | сида таълим сифатини ошириш ишларини ташкил этиш.<br>Оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича иккита ижтимоий марказ ташкил этиш. | | | | | |
| 75. | Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Болалар маҳаллаларидаги етим болалар учун узоқ муддатли оилавий васийлик дастурини амалга ошириш (етим болаларнинг яшаши ва тўлақонли камол топиши учун оилавий шарт-шароитлар яратиш). | 2011 — 2015 йиллар | «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | — | — | SOS — оилалардаги тарбияланувчи етим болалар фаровонлигини ошириш, уларнинг камол топиши, маънавий ва жисмоний салоҳиятини намоён қилиши учун оилавий шарт-шароитлар яратиш. |
| 76. | Болалар муассасалари («SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси, «Меҳрибонлик уйлари», Болалар шаҳарчалари ва шу кабилар) васийлигидан чиққан ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот-ресурс маркази ташкил этиш.<br>Ҳуқуқий, психологик ва шу кабилар бўйича «ишонч телефонлари», даврий хизматлар ташкил этиш. | 2011 йилдан бошлаб — доимо | «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги | 50 минг доллар | Ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг комплекс тадбирлари.<br>Болалар муассасалари битирувчиларига уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича зарур ёрдам кўрсатиш.<br>Болалар муассасалари тарбияланувчилари учун хизматлар тизимини яратиш. |
| 77. | «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси, «Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчалари тарбияланувчиларининг мустақил ҳаётга ва жамиятга интеграциялашга тайёрлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | Ишлаб чиқиш — 2011 йил, амалга ошириш — 2011-2012 йилларда | Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси | — | — | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари.<br>«Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларининг мустақил ҳаётга тайёрлигини таъминлаш. |
| 78. | Ота-она қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шаклларини (оилавий тусдаги болалар уйлари ва шу кабиларни) ривожлантириш. | 2011 — 2013 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Харажатлар тадбирларни амалга ошириш давомида аниқлаштирилади | Маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Оила васийлигисиз қолган болалар учун қулай шарт-шароитлар яратиш. |
| 79. | Ногирон болалар тарбияланаётган оилалар билан ишларни ташкил этиш, уларни парваришлаш ва тарбиялаш бўйича адабиётлар билан таъминлаш, уларга маслаҳат хизматлари, мурувват ёрдами кўрсатиш. | 2011 — 2013 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Маҳалла» жамғармаси, нодавлат нотижорат ташкилотлар | — | Ажратилган бюджет маблағлари, бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари доирасида | Бажарувчиларнинг комплекс тадбирлари.<br>Давлат ва жамоат ташкилотларининг ногирон болаларни тарбиялаётган оилаларга тизимли, аниқ манзилли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича ҳамкорлигини кучайтириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 80. | «Мурувват» болалар уйлари тарбияланувчиларининг таълим ва ҳаётий кўникмалари мониторингини олиб бориш ҳамда болалар билан якка тартибда соғайтириш-камол топтириш ва таълим-тарбия ишларини амалга ошириш. | Ҳар йили, июнь ойида | Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | 10,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Мониторинг олиб бориш режаси. Болаларни махсус дастурлар бўйича ўқитиш. |
| 81. | Қонун ҳужжатларини бажариш, уларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш масалалари юзасидан республика туманлари ва шаҳарларидаги васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини ўрганиш. | 2012 йил | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Халқ таълими вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | — | — | Васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таҳлилий материаллар. |
| 82. | Васийлик ва ҳомийлик органлари ходимлари учун ўқув ва малака ошириш курслари, имкониятлари чекланган болалар учун инклюзив таълим методларини жорий этишган муассасалар учун доимий ўқув семинарлари ташкил этиш. | 2011-2012 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази | — | Вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функционал вазифалари доирасида | Ўқитиш ва малака ошириш дастури. Мутахассислар билимлари даражасини ошириш. |
| 83. | Имкониятлари чекланган, ижтимоий ва касбий реабилитацияга муҳтож бўлган ўсмирлар ва ёшлар учун касбий таълимни ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2011 йил ва кейинги йилларда жадвал асосида | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Камолот» ЁИҲ, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Келажак овози» ЁТМ | 5,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Имкониятлари чекланган ўсмирлар ва ёшларнинг умумий ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим олишлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш. |
| 84. | Қуйидагилар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш:<br>имкониятлари чекланган болалар ва ўсмирларни масофадан ўқитишни жорий этиш;<br>кўриш қобилияти бузилган болалар учун коллежларда касблар турларини (массажчи, мусиқа, ашула, педагоглар ва шу каби касбларни) кенгайтириш; | 2012 йил | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Келажак овози» ЁТМ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | — | — | Таклифлар пакети. Имкониятлари чекланган болалар учун таълим олиш доирасини кенгайтириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | эшитиш қобилияти бузилган болаларни коллежларда 3 йил ўқитишни ташкил этиш. | | | | | |
| 85. | Реабилитация марказларини техника билан жиҳозлаш, шунингдек реабилитация-техник мосламаларни, ногиронларни ижтимоий мослаштириш учун воситаларни ишлаб чиқиш дастурини тайёрлаш. | 2011-2012 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги | 100,0 | Ажратилган бюджет маблағлари, ҳомийлар маблағлари доирасида | Дастур лойиҳаси.<br>Ногиронларга барвақт ташхис қўйишни ва уларга самарали ёрдам кўрсатишни таъминлаш. |
| 86. | Ота-она қаровисиз қолган, шунингдек имкониятлари чекланган болалар муаммолари бўйича ижтимоий рекламалар, махсус телерадио эшиттириш ва кўрсатувлари тайёрлаш. | 2011 — 2013 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, МТРК, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | Ажратилган маблағлар доирасида | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Телерадио эшиттириш ва кўрсатувлари дастурлари.<br>Реклама роликлари.<br>Оилавий қадриятларга маънавий-ахлоқий муносабатни шакллантириш йўли билан ижтимоий етимликнинг олдини олиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом оила қуришга масъулиятли муносабатни тарғиб қилиш. |
| 87. | Республика минтақаларида «Мурувват» болалар уйларини қуриш ва реконструкциялаш (10 та объект). | 2011-2012 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва вилоятлар ҳокимликлари | 8876,0 | Бюджет маблағлари | Ногирон болаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш. |
| 88. | «Мурувват» болалар уйларининг физиотерапия кабинетини замонавий аппаратлар билан жиҳозлаш. | 2011 йил | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари | 30,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ногирон болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш. |
| | **VI. Болалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, одил судлов соҳасида бола манфаатларини таъминлаш** | | | | | |
| 89. | Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликнинг олдини олиш, уларнинг жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ноижтимоий ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш. | 2011 — 2013 йиллар | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия | — | — | Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 2011 — 2015 йиллар учун тасдиқланган тадбирлар дастурига мувофиқ.<br>Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг мажлислари ва қарорлари.<br>Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 90. | Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низом доирасида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2011 — 2013 йиллар | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия | — | — | Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг мажлислари ва қарорлари.<br>Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш. |
| 91. | Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган қуйидаги низомлар доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш:<br>Таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришнинг алоҳида шароитларига муҳтож бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисида;<br>Таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришнинг алоҳида шароитларига муҳтож бўлган болалар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи тўғрисида;<br>Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида. | 2011 — 2013 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ИИВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | — | — | Масъул вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари, минтақалар ҳокимликларининг қарорлари.<br>Ижтимоий жиҳатдан хавфли ҳолатдаги, шунингдек таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришнинг алоҳида шароитларига муҳтож бўлган болалар учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш. |
| 92. | Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг, уларга нисбатан процессуал мажбурлаш чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноий жазолар тайинлашнинг процессуал кафолатларига изчил риоя этилишини таъминлаш. | 2011 — 2013 йиллар | Бош прокуратура, ИИВ, Олий суд | — | — | Судда жиноий ишларни кўриб чиқиш соҳасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш. |
| 93. | Ички ишлар вазирлиги ва унинг маҳаллий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар, гиёҳвандлик ва экстремизмнинг олдини олиш масалалари бўйича умумтаълим мактаблари, «Меҳрибонлик» уйлари, SOS — болалар маҳаллалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари билан учрашувларини ўтказиш. | февраль — сентябрь, ҳар йили | ИИВ, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | — | — | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари.<br>Тадбирларни ўтказиш жадваллари. Камол топаётган авлодни ҳуқуқий тарбиялаш. Ёшларни ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар, гиёҳвандлик ва экстремизмдан муҳофаза қилиш. |
| 94. | Маҳаллаларда болалар тарбиясига ва оилада мақбул муҳитни шакллантиришга салбий таъсир кўр- | 2011 — 2013 йиллар | «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, ИИВ, «Камолот» ЁИҲ, Халқ таълими вазирлиги, | — | — | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари. |

www.lex.uz

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар ва шериклар | Сафарбар этиладиган ресурслар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатнинг тури, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | сатадиган ноаҳил оилалар билан якка тартибдаги ишларни ташкил этиш. | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Ёшларни ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар, гиёҳвандлик ва экстремизмдан муҳофаза қилиш. |
| 95. | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «На посту», «Постда» газеталарида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар, гиёҳвандлик ва экстремизмнинг олдини олиш тўғрисида материаллар ва мақолалар чоп этиш. | 2011 — 2013 йиллар | ИИВ, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | — | Вазирликлар, идораларнинг функционал вазифалари доирасида | Бажарувчиларнинг тадбирлари. Камол топаётган авлодни ҳуқуқий тарбиялаш. Ёшларни ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар, гиёҳвандлик ва экстремизмдан муҳофаза қилиш. |
| 96. | Ички ишлар органлари ходимларининг, жойлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар аъзоларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича малакасини мақсадли оширишни ташкил этиш. | 2011 — 2013 йиллар | ИИВ, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | — | Вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функционал вазифалари доирасида | Машғулотларни ўтказиш жадвали. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар аъзоларининг камол топаётган авлод манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини ошириш. |
| 97. | Милиция таянч пунктлари ҳузурида спорт майдончалари барпо этиш. | 2011 — 2013 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия | — | Вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функционал вазифалари доирасида | Бажарувчиларнинг тадбирлари ва иш режаси. Милиция таянч пунктлари ҳузуридаги спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, вояга етмаганларнинг яшаш жойида спорт билан шуғулланиши учун шароитлар яратиш. |

www.lex.uz